



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-256

2020 йил « 29 » октябрь

№ 865

Янгибозор тумани

**Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғидаги
“Усмоний” фермер хўжалигига “Молхона”
биноси қурилиши учун вақтинча фермер
хўжалиги фаолияти даврида фойдаланишга
ер майдони таълаш ва ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғидаги “Усмоний” фермер хўжалигига “Молхона” қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2019 йил 22 октябрдаги 548-сонли хулосаси, вилоят Давлат экологик экспертизаси маркази давлат унитар корхонасининг 2020 йил 23 январдаги 1/10-65-сонли хулосаси, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосаси, Янгибозор туман СЕОМнинг 2020 йил 22 январдаги 6-сонли хулосаси, туман фавқулодда вазиятлар бўлимининг 2020 йил 20 январдаги 19-сонли хулосаси, шунингдек қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ва бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг далолатномаси ва бошқа тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ва бошқа эҳтиёжлар учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан “Усмоний” фермер хўжалигига “Молхона” қурилиши юзасидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидаги “Усмоний” фермер хўжалигига “Молхона” қурилиши учун Оёқдўрман қишлоғи қишлоқ хўжалик ер тархининг 1-қисм контуридан жами 0,15 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмасдан ётган ер майдони ажратиб берилсин.
3. “Усмоний” фермер хўжалиги раҳбари Б.Бобожоновга:
 - Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан, архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1, АРТ-2) ишлатиш;
 - тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш

- Ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида
Гувоҳнома олиш вазифаси юклатилсин.

4. "Усмоний" фермер хўжалиги раҳбари Б.Бобожоновга ажратиб берилган ер участкасида икки йил мобайнида фойдаланмаган тақдирда ва бошқа мақсадларда бекор қилиниши юзасидан огоҳлантирилсин.

5. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ва Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу қарорга асосан, белгиланган тартибда қурилиш учун ажратилаётган 0,15 га ер майдонини бош лойиҳа асосида жойи (натура)да белгилаб бериш ҳамда қурилишни шаҳарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.

6. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу ажратилган ер майдонини ер мувозанатини тузишда ҳисобга олиш, туман давлат Солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев)га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Тулиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ў.Курбанов